КУТУБХОНАСИ


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Дам олиш сонида!

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 14 (9.206) 1999 йил 5 февраль, жума ◆ Сотувда эркин нархда


## ДАВР САДОСИ

*Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 февраль куни Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жозеф Преселни қабул қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 4 февраль куни Қувайт Давлатининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Фавзий Абдулазиз ал-Жосим ишонч ёрлиғини топширди. Шу куни мамлакатимиз раҳбарига Замбия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Франсис Гершум Симмамб ҳам ишонч ёрлиғи топширди.

● Конрад Аденауэр номидаги жамғармада мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ва ана шу соҳадаги халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга бағишланган иқтисодий-сиёсий семинар очилди.

● «Хоразмшакари» акциядорлик жамияти истеъмолчиларга дастлабки 11 минг тонна шакарни жўнатди.

● Жиззах педагогика институтида «Қизлар ҳаёт бўсағасида» мавзуида учрашув ўтказилди.

● Тошкентдаги 17-гимназия мактабининг инглиз тили ўқитувчиси Раиса Савиянга «Ўзбекистон Республикасининг энг яхши ўқитувчиси» деган сертификат топширилди. Унга АҚШ элчиси ва республика халқ таълими вазири томонидан имзо чекилган.

● **Бугун** Тошкентдаги Киночилар уйида «Ўзбекфильм» киностудиясида яратилган «Воиз» бадиий фильмининг тақдимоти ўтказилади.

### ЖАҲОНДА

● **Кеча** БМТ Бош котибининг ҳарбий маслаҳатчиси генерал Жюлио Ритичелли Душанбега келди. Унинг бу ерга келишидан мақсад Тожикистондаги ҳарбий-сиёсий вазият билан танишишдир.

● Хитой компартияси марказий қўмитаси мамлакат Конституциясига хусусий тадбиркорликнинг аҳамиятига доир тузатиш киритишни таклиф этди.

● Россия Федерациясининг собиқ адлия вазири Валентин Ковалев Москвада ҳибсга олинди. Собиқ вазир талон-тарожликда ва қурол-яроғларни ноқонуний тарзда сақлашда айбланмоқда.

● **Кеча** НАТО Бош котиби Хавьер Солана Грецияга ташриф буюрди. У мамлакат раҳбарлари билан учрашиб, Болқондаги вазиятни муҳокама қилди.

● Бразилия пойтахтида ҳукумат ва халқаро валюта жамғармаси делегацияси ўртасида мамлакатдаги иқтисодий инқирозни бартараф этиш тўғрисида музокаралар бошланди.

● 18 февраль куни Эстонияда Болтиқбўйи давлатлари президентларининг анъанавий учрашуви бўлиб ўтади.

● **Кеча** Москвада МДҲга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда эркин савдо ҳудудини яратиш тўғрисидаги битимга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ҳужжат лойиҳаси ва Ҳамдўстликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги декларация кўриб чиқилди.

● АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари Ироқнинг кема ракеталари ускуналарига қарши биринчи марта зарбалар берди. Ушбу операцияларда АҚШ ва Буюк Британиянинг 20 дан зиёд самолётлари қатнашди.

● Ангола пойтахти Луанда атрофида рўй берган АН-12 самолётининг ҳалокатга учраши оқибатида 47 киши ҳаётдан кўз юмди.

## «Қўнғироқларингизни кутамиз»

*Азиз муштарийлар! Навбатдаги телефон орқали мулоқотга таклиф этамиз. 8 февраль — душанба куни соат 16 дан то соат 18 гача 132-11-39 рақамли телефон орқали мурожаат қилсангиз газета ходими Шарифа Илёсова навбатчиликда бўлади.*

## ЮРТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ



## ИЗЛАНИШ ДАВОМ ЭТАДИ

Инсон ҳаётига хавф соладиган хасталиклардан бири бўлмиш рак кеча пайдо бўлган эмас, балки асрлар оша фикр аҳлини безовта қилиб келмоқда. Эрамиздан аввалги беш мингинчи йилда яшаган мисрлик коҳин ва табиб Имготеп рак ҳақида ёзаркан, у билан курашиш жуда қийинлигини таъкидлаган. Эрамиздан аввалги 3 мингинчи йилда яшаб ўтган юнон табиби Жолинус ҳам бу муаммо устида кўп бош қотирган. Бундан минг йил аввал яшаган Абу Али ибн Сино рак ҳақида хасталик барвақт аниқланса, даволаш осон кечиши, кейинроқ маълум бўлса шифо умиди камлигини айтган.

...Наримон Муродхўжаевнинг ишхонасига кирганимда тўрда Ибн Сино сурати осилгани бежиз эмаслигини англадим. Чунки бу олим ҳам рак ҳақида улуғ аллома фикри ҳанузгача ўз кучини йўқотмаганига амин бўлган. Дунё миқёсида тиббиёт равнақ топгани сари бир қанча хасталикларнинг давоси кашф этилмоқда, лекин рак дарди ҳанузгача муаммо бўлиб турибди. Чунки уни келтириб чиқарадиган омиллар бошқа касалликлардагига ўхшаб ягона ва аниқ эмас, балки жуда кўп. Мазкур муаммо устида америкалик мутахассислар бисёр тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Худди шунинг учун ҳам бизда рак хасталигини бартараф этишда илмий йўлга асосий эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги фидойи меҳнатлари учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Онкология ва радиология илмий тадқиқот институти директори, тиббиёт фанлари доктори, хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон ракка қарши кураш жамияти президенти, профессор Наримон Муродхўжаевга Ватанимизнинг юксак мукофоти — «Эл-юрт ҳурмати» ордени топширилди. Яқинда бу даргоҳга ҳукуматимиз томонидан 169 миллион сўмлик иккита хорижда тайёрланган тиббий асбоб келтириб ўрнатилди. Келажакда яна 5 миллион долларлик ана шундай аппарат ўрнатилиши мўлжалланмоқда.

Институт жамоаси бошини қовуштириб ўз илмий тажрибалари билан онкология соҳаси ривожига ҳисса қўшиб келаётган Наримон Муродхўжаев ўзининг илмий иши, изланишлари билан энг хавфли хасталик муаммолари ечимига улушини қўшмоқда.

**Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.**

**СУРАТДА: профессор Наримон Муродхўжаев.**

**Рашид Галиев олган сурат.**

## БУГУН

☑ ***«Мустақиллик менга кўпгина неъматларни инъом этди. Энг муҳими ўзим чин маънода мустақил фикрга эга бўлдим».***

***2-бетда.***

☑ ***Ўлкамизнинг улуғ айёмларидан бири бўлган Наврўзи оламни халқимиз ҳар йили ўзгача ҳаяжон, энтикиш билан кутиб олишининг боиси нимада?***

***3-бетда.***

☑ ***Келгуси ҳафтада «Ойнаи жаҳон»да дилга манзур бўладиган қандай кўрсатувлар намойиш этилади?***

***4, 5, 6-бетларда.***

☑ ***«Шайх оҳ деб, беҳуш бўлиб йиқилди. Малика вақтини ғанимат билиб, чодирасини ёпиниб отасининг уйига кетди...»***

***7-бетда.***

☑ ***Одоб шундай узукки, агар у ҳар кимсанинг тасарруф бармоғига мувофиқ келса, унинг улуғлик оти ҳамма маъракаларда жавлон қилади.***

***8-бетда.***

*Диққат, янгилик!*

## «ТОШКЕНТ ХИЛТОН» МЕҲМОНХОНАСИ

***Тошкент шаҳар ҳокимлигида пойтахт ҳокимлиги инвестициялар бошқармаси бошлиғи О. Иброҳимов ва «Хилтон» компанияси директорлар кенгашининг аъзоси Д. Честер иштирокида имзоланган «Меҳмондўстлик» қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисидаги шартнома келажакда мамлакатимизнинг ҳақли равишда йирик сайёҳлик марказига айланиши учун муҳим омил бўлишига шубҳа йўқ.***

Икки оғиз сўз «Хилтон» ва «Хилтон интернэшнел» меҳмонхоналар корпорацияси тўғрисида. Ҳамкорликда жаҳоннинг 50 дан ортиқ мамлакатларида 400 дан зиёд меҳмонхоналарни бошқараётган ҳар иккала компания меҳмондўстлик ва ўйин индустрияси бўйича курраи заминимизда тан олинган етакчилардан ҳисобланади.

Гап шундаки, янги қўшма корхонанинг илк меваси сифатида шу йилнинг баҳор ойларида Тошкент халқаро аэропортидан 15 дақиқалик масофада барча замонавий талабларга, жаҳон андозасига жавоб берувчи ҳашаматли меҳмонхона қад ростлайди. Унга «Люфтганза», Турк авиайўналишлари, JAL, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияларининг курьер хизматлари хизмат кўрсатади. 16 қаватли меҳмонхонадан барча қулайликларга эга 250 та хона ўрин олади. «Grante Carte» ресторани, кафетерий ва бар, ёпиқ сув ҳавзаси, жакуззи, тренажерлар зали, сауна, турк ҳаммоми, очиқ теннис корти, хусусий офислар, музокаралар учун қулай хоналарни ўз ичига олувчи бизнес



марказ мижозлар хизматида бўлади. Шуни таъкидлаш жоизки, «Тошкент Хилтон» меҳмонхонаси Ҳамдўстлик мамлакатлари доирасида «Хилтон» компанияси билан ҳамкорликда бунёд этилаётган дастлабки меҳмонхонадир.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ.**

*Қурилиш*

## ХОНАДОНЛАР ҚУВОНЧИ

***Миробод туманининг Кунаев кўчасида яна бир замонавий турар жой биноси фойдаланишга топширилди. «Тошгипрогор» лойиҳаси асосида «Ўзуйжойжамғармабанк» буюртмасига кўра қурилган ушбу 33-уй 12-қаватли бўлиб 48 хонадонга мўлжалланган.***

3 ҳамда 4 хонали уйлар калитини олган хонадон соҳиблари уни бунёд этишда ғайрат кўрсатган қурувчилар меҳнатидан бениҳоя мамнун бўлишмоқда. 48 хонадонга қувонч бахш этган янги турар жой биносини «Уйжойқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг 1-уй-жой қуриш комбинати қурувчилари бунёд этишди.

— Бир йил мобайнида 60 нафардан ортиқ қурувчиларимиз бор маҳоратларини намойиш этишди, — дейди ишбоши Мирвосиқ Соатов. — Шунингдек, «Тошкўприкқурилиш» қурилиш бошқарма пардозловчилари, 1-ҳамда 2-механизация бошқармалари сантехник ҳамда электрчиларининг ёрдамларини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Айниқса, Николай Плохих бошчилигидаги комплекс бригада қурувчиларининг юксак малака ва тажрибалари уйни муддатида топширишда қўл келди.

Айни кунларда бахтли хонадон соҳиблари хурсандчилик билан яқинларини уй тўйларига чорлашмоқда.

**Дилноза ҒИЁСОВА.**

## ПОЙТАХТ ҲАЁТИ: янгиликлар, воқеалар, муаммолар

*Диллашув*

# САНЪАТГА САДОҚАТ КЕРАК



***Барчамизга маълумки, юртимизда илм-фан, маданиятни ривожлантириш, уларнинг очилмаган янги қирраларини намоён этиш борасида бир талай ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Давлат рус академик драма театрининг янги бинога кўчиши, Президентимиз Ислом Каримовнинг ана шу театрда бўлиб, у ердаги шарт-шароитлар билан танишиши ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Бугунги кунда театрда ўз касбини севган, бетакрор санъати билан мухлислар эътиборини қозониб келаётган санъаткорлар меҳнат қилмоқда. Ана шундай инсонлардан бири Ўзбекистон халқ артисти, давлат мукофоти совриндори Ойдин Норбоевадир. Биз***

**ЭРТАГА**

***бошланаётган 64-мавсум олдидан санъаткорнинг навбатдаги мавсумда қандай роллар ижро этиши, режадаги ишлари хусусида суҳбатлашдик.***

**— Янги — 64-мавсумда репертуарингиздан қандай роллар ижроси ўрин олган?**

— Мана, бутун жамоамиз, театр мухлислари орзиқиб кутган янги театр мавсумини бошлаяпмиз. Бу мавсумни янги театр биносида бошлашимиз албатта, ишимизда унумдорлик, ижодий сермаҳсуллик бўлишида муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлайман. Биз мухлисларимизга бир қатор янги спектакллар намойиш этишни мўлжаллаганмиз. Мен ўзим мавсум репертуаридан ўрин олган «Филумена Мартуране» спектаклида бош қаҳрамон Филумена Мартуране ролини ижро этяпман. Александр Гаширов режиссёрлик қилаётган бу асар итальян драматурги Эдуардо Де Фелипо қаламига мансуб бўлиб, унда итальян аёлнинг оғир тақдири, унинг исловатхонага тушиб қолиши, сўнгра ўзини ана шу жирканч ердан олиб чиққан бойвачча йигитни севиб қолиб, орадан 25 йил ўтгандан сўнггина ўз севгисига етишиши ҳақида ҳикоя қилинади.

**— Мустақиллик йилларида ижодда эришган ютуқларингиз ҳақида икки оғиз сўзласангиз.**

— Мен 1993 йилдан буён мана шу Ўзбекистон Давлат рус академик драма театрида меҳнат қилиб турли спектаклларда ранг-баранг роллар ижро этиб келмоқдаман. Унга қадар турли театрларда, жумладан Ҳамза театрида кўпгина образлар устида ишладим. Мустақиллик менга кўпгина неъматларни инъом этди. Энг муҳими мустақилликдан кейин ўзим чин маънода мустақил фикрга, мустақил роль танлай олиш имкониятига эга бўлдим. Ҳам инсон, ҳам етук актёр сифатида айнан мана шу мустақиллик саҳнасида шаклландим, десам ҳеч муболаға бўлмайди. Агарда актёр ўзи мустақил, эркин роль ижро этар экан, санъатга садоқат кўрсатар экан, унинг яратган образлари мухлислар қалбида абадий ўчмас из қолдиради.

**— Сиз кимларни устозим деб биласиз ва бугунги шиддаткор замонамизда ўзингизга кимни яқин маслаҳатчи дея оласиз?**

— Юқорида таъкидлаб ўтганимдек, мен анча вақтлар Ҳамза театрида меҳнат қилиб кўпгина роллар ижро этдим. У ерда мендан ўзларининг меҳрини, бутун борлиғини аямаган раҳматли Наби Раҳимов, Сора Эшонтўраева сингари ҳақиқий истеъдод эгаларини ҳамда отам Абдулҳақ Норбоевни, қолаверса, Ҳамза театрининг барча отахону онахон актёрларини ўзимга устоз деб биламан. Менинг Ойдин Норбоева бўлиб элга танилишимда, кино ва театрда юздан ортиқ роллар ижро этишимда ана шу санъаткорларнинг, оилавий муҳитнинг, шу билан биргаликда истиқлолимизнинг тутган ўрни беқиёсдир. Энди кундан-кунга шиддат билан ривожланишда, тараққиётда давом этаётган бугунги кунда эса тўнғич ўғлим — кинорежиссёр Жаҳонгир Файзиевдан ижодий маслаҳатлар олиб тураман. Негаки, ҳозирги давр, замон ёшларники. Уларнинг талабига жавоб бера оладиган ролларни маромига етказиб ижро этишимда унинг маслаҳатига амал қилишим ҳам етакчи омил бўлади деб ўйлайман.

**Наргиза ПИРНАЗАРОВА суҳбатлашди.**

**СУРАТДА: Ўзбекистон халқ артисти Ойдин Норбоева.**

**Рашид Галиев олган сурат.**

---

*Давра суҳбати*

# АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИ МАВЗУИДА

***Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида республика хотин-қизлар қўмитаси ва Инсон ҳуқуқлари маркази ҳамкорлигида давра суҳбати ўтказилди.***

«Аёллар ҳуқуқлари ва уларнинг халқ дипломатиясида тутган ўрни» деб номланган ушбу йиғинда юртимизда фаолият юритаётган чет эл элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Сўзга чиққанлар бугунги аёлларнинг халқ хўжалигида тутган ўрни, раҳбарлик мавқеи ва шу ўринда бошқа давлатларда бу борада шароит қандайлиги тўғрисида фикр юритдилар. Давра суҳбати мунозара ва тортишувлар билан ўтди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова ва республика Инсон ҳуқуқлари Маркази директори Акмал Саидовлар иштирок этди.

**Очил ҲАЗРАТОВ.**

---

*Кўргазмалар*

# КАТТА ТААССУРОТ

***Ўзбекистон Давлат санъат музейи яна бир кўргазма билан бойиди.***

Бу ерда Германия Федератив Республикасининг 70-йиллар графикасига бағишланган кўргазма очилди. Тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари немис рассомларининг бундай чизма намуналари билан биринчи марта танишаётганлари йўқ. Улар бундан 15 йил муқаддам мана шу музейда германиялик мўйқалам усталарининг 50-60 йиллар мавзуидаги графика асарлари билан ҳам яқиндан ошно бўлган эдилар.

Германиянинг Ўзбекистондаги Гёте институти ваколатхонаси ёрдамида ташкил этилган бу кўргазма томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

**Маҳмуд ОРИПОВ.**

---

*Куюнчаклик билан ёзилган*

# ИККИ НОМДАГИ КЎЧА

Сарлавҳани ўқиб ҳайрон бўлманг. Ҳаётда баъзан шунақаси ҳам учраб турар экан. «Ленточная» номи билан юритиладиган кўчамизга Абу Бакр Шоший номи берилганида бошимиз осмонга етган эди. Кўп ўтмай ободонлаштирувчилар кўчамизнинг бошидан охиригача янги ном ёзилган тахтачани осиб чиқишди.

Яқинда кўчамиз бошида унинг янги номи билан бир қаторда эски номи осиб қўйилган тахтачани кўриб ҳайрон бўлиб қолдик. Ажабо, буни қандай тушуниш мумкин? Бу кўчанинг янги номини билмай қидириб юрувчиларга яратилган қулайликми ёки кўчамиз бундан буён икки номда юритиладиган бўлдими?

**Абдуқаҳҳор МУТАЛОВ.**

# БЕКАТДАГИ «ДОҒЛАР»

Ҳозир нима кўп хусусий эълон ва тижорат рекламалари кўп. Пойтахтимизнинг қайси бекатида бўлманг, улар пала-партишлик билан осиб ташланганлигини кўриб таъбингиз хира бўлади. Қизиғи шундаки, бу эълон ва рекламаларда уй сотиш, алмаштириш, каби муҳимлари билан бирга ҳатто киши ўқиб кулгили ҳолга тушадиганлари ҳам учраб туради. Яқинда бир бекатдан ўтаётиб кимнингдир ит сотиш ҳақидаги ёзувига кўзимиз тушиб қолди. Буни қандай тушуниш ҳар кимнинг ўз хоҳишига ҳавола албатта. Лекин бизни бир нарса ачинтиради. Шаҳримиз ҳуснига ҳусн қўшиб турган замонавий бекатларга тўрт тарафдан ёпиштириб кетилаётган бу эълон ва рекламалар уларга «доғ» бўлиб тушмоқда.

Наҳотки, бу ҳолни кўра била туриб мутасадди ташкилотлар ёки миллион сўмлар сарфлаб ушбу бекатларни тиклаган хусусий ишбилармонлар индамай келишса? Албатта бу иллат баъзилар учун арзимас нарсадек туюлиши мумкин. Шундайларга бир нарсани эслатиб қўймоқчимиз. Агар янги кийган усти бошингизнинг бирор ерига кичкина «доғ» тегса қанчалик кўнглингиз хира бўлади. Бекатларга ёпиштирилган реклама ва эълонлар ҳам шаҳримизга ташриф буюрган ҳар бир инсон қалбида ана шундай «доғ» қолдиришини унутмаслигимиз керак.

**Саидмурод САИДАҲМЕДОВ.**

---

*Маҳалла*

# САВОБЛИ ТАШАББУС

***Юнусобод туманидаги Собир Толипов, Исоқ Гадойбоев, Ашур Ҳолмуҳамедов, Санобар Одилова кўчаларини бирлаштирган «Шодлик» маҳалла фаолларининг саъй-ҳаракатлари билан савобли ишга қўл урилди.***

Шу кунларда Собир Толипов кўчасига шағал ётқизилиб текисланмоқда. Эътиборли томони шундаки, бу хайрли ишда маҳалла аҳли бир тан, бир жон бўлиб тер тўкмоқда.

Халқимизнинг азалий қадриятлари сафидан ўрин олган ҳашар усули каттаю кичикни бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишга сафарбар этмоқда. Қолаверса тумандаги қурилиш-таъмирлаш бошқармаларидан бирининг ёрдамида яқин кунлар ичида Собир Толипов кўчаси кўркига кўрк қўшилади — йўлга асфальт ётқизилади. Бунгача экологик мувозанатни сақлаш мақсадида кўчада истиқомат қилаётган ҳар бир хонадонга канализация қувурлари киритилди, чироқ устунларидаги ёритгичлар қайтадан таъмирдан чиқарилди.

**Тожибой РАҲИМЖОНОВ.**

# ЁРУҒЛИК КУНИ, ҲАЁТ БАЙРАМИ

*Қадриятларимиз*

## НАВРЎЗИ ОЛАМ ЯҚИН...



***Қуёш ва Ой тақвими бўйича ҳали қиш бўлишига қарамай, илиқ ҳавонинг мўллиги, тез-тез чарақлаб турган қуёш яқинлашиб келаётган баҳор нафасидан дарак беряпти.***

Ҳа, ўлкамизнинг улуғ айёмларидан бири бўлган Наврўзи оламни халқимиз ҳар йили ўзгача ҳаяжон, энтикиш билан кутиб олади. Зеро, фақат истиқлолгина бизга ана шу буюк қадриятимизни яна тиклаш, табиат — бутун борлиққа жон ато этувчи бу қутлуғ айёмни улуғвор халқ тўлқини сифатида муносиб нишонлаш ҳуқуқини берди.

Ҳа, мамлакатимизнинг улуғвор Миллий боғидан бошланиб, бутун мамлакат бўйлаб тараладиган Наврўз тантаналари бизга ҳамиша янги куч-қувват, янгича шукуҳ, янги майл-интилишлар, буюк келажагимизга қатъий ишонч, умум фаровонлик учун курашда собитқадамлик бағишлайди. Табиат билан бирга юртдошларимиз ҳам яшарадилар, ғайрат-шижоатга тўлиб, Ватан саодати йўлида алоҳида жонбозлик билан меҳнат қилишга киришиб кетадилар. Зеро, саховатли еру осмонимиз, қуёшимиз одамлар меҳнати билан йўғрила-йўғрила мўъжизалар яратади, бор саховатини тўкиб сочади.

Шунинг учун ҳам минг йилликлар қаъридан ҳамиша навқирон, чиройини кўз-кўз қилиб келаётган Наврўзи оламни ҳар йили халқимиз шунчаки эмас, алоҳида меҳр, қалб қўри ила жиддий тайёргарлик билан кутиб олишга интилади. Миллионлаб шижоатли юртдошларимиз, юзлаб ва минглаб меҳнат жамоаларининг ана шундай улуғвор интилишлари, ташаббусларига шахсан республикамиз Президенти, ҳукуматимиз бош-қош бўлишлари халқимизга, унинг буюк қадриятларига бўлган чексиз ҳурмат, эътиқоднинг ёрқин далилидир.

Бу йил ҳам мамлакатимизда Наврўзи оламга тайёргарликнинг бориши Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов раҳбарлигида муҳокама этилди. Унда республикамиз барча вилоятлари қатори жонажон пойтахтимизда шу муносабат билан олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳисобот берилди. Муҳокамадан аён бўлишича, бу йил қутлуғ баҳор айёми мамлакатимизда ўзгача файз-тароват, ўзгача шукуҳ билан нишонланади. Жорий йил Президентимиз томонидан Аёллар йили деб эълон қилингани боис, байрам тадбиридаги ҳар бир чиқишда бу мавзуга алоҳида аҳамият берилади.

Ҳар доимгидек республикамиз бош шаҳри Тошкент, Миллий боғимиз, пойтахт майдонлари, сайилгоҳ ва кўчалари тантаналар марказига айланади. Яхши кайфият, келажакка буюк ишонч руҳи, яратувчилик меҳнатига иштиёқ руҳи айнан шу ердан бутун мамлакатимизга таралади.

Албатта, булар пойтахт ва пойтахтликлар зиммасига юксак масъулият юклайди. Ўзбекистонимизнинг ҳар бир шаҳар, тумани, қишлоқ ва овуллари аҳли пойтахт, пойтахтликлардан ўрнак олади, уларга эргашади. Ҳар йилги тажриба эса, шаҳримиз аҳли шу ишонч, шу масъулиятга ҳамиша ўзини муносиб тутиб келаётганини кўрсатиб турибди. Бу йил ҳам шундай бўлишига шубҳа йўқ. Пойтахтимиз туманларида, меҳнат жамоалари, ташкилот ва муассасаларда, маҳаллаларда айтиш мумкинки, улуғ айёмга тайёргарлик ҳаракатлари бир зум ҳам тинаётгани йўқ.

Шаҳримиз меҳнат аҳлига, бутун пойтахтликлар зиммасига тушадиган юксак масъулият яна бир муҳим жиҳат — Тошкентнинг йил сайин, ой ва кун сайин янгича кўрк, салоҳият касб этиб бораётгани билан боғлиқ. Ҳақиқатан ҳам етти-саккиз йил эмас, 2—3 йил олдин Тошкентга келган хорижлик сайёҳлар, давлат ва жамоат арбоблари унинг бугунги чиройидан, замонавий бинолар, ҳашаматли иншоотлардан ҳайратга тушмоқдалар. Ҳа, пойтахтимиз қиёфаси кейинги йилларда тубдан ўзгарди. Биз — шаҳарликлар ҳам майдон ва хиёбонларимиз, кенг асфальт кўчалар, хилма-хил жилоланувчи фаввораларимиз, тунги Тошкент тароватига боқиб тўймаймиз.

Шундай экан, буюк Истиқлол бизга берган буюк неъматлардан бири — пойтахтимиз салоҳияти ва чиройига муносиб яшаш ҳар биримизнинг, ҳар бир хонадон, маҳалла, меҳнат жамоаси, ташкилот, муассаса ходимларининг виждоний бурчи, шарафли вазифасидир. Шаҳримизни юксак маданиятли, озода, гуллар ва боғларга бурканган серфайз масканга айлантириш борасида шубҳасиз кўп ишлар қилинмоқда. Биз нафас олаётган ҳаво мусаффороқ, ичаётган сувимиз тозароқ бўлиб қолди. Кўча ва хиёбонларимиз, майдонларимиз озода ва гавжум. Пойтахтда нафақат меҳнат қилиш, балки мириқиб дам олиш, кўнгил очиш учун шароитлар тобора яхшиланиб боряпти. Сўзсиз, бунда шахсан Юртбошимиз, республика ҳукуматининг ғамхўрлиги катта аҳамиятга эга бўляпти. Бундан ўрнак олаётган маҳаллий давлат ва жамоат ташкилотлари, оддий ҳамшаҳарларимиз шаҳар чиройига чирой қўшиш учун астойдил интилаётганлари маълум.

Шаҳримиздаги сув ҳавзалари, оқар сувлар, анҳорлар анча тозалангани, кўчалар ва кўп қаватли турар жой бинолари олдидаги ҳар қадамда учрайдиган ахлат уюмлари камаяётгани сезиляпти. Бу борада коммунал хизмат ходимларининг ахлатларни ҳар бир мавзедан марказлаштирган ҳолда ташиб кетиш бўйича ташаббуслари қўл келаётганини ҳам айтиш керак.

Айни пайтда шуни ҳам айтиш керакки, шаҳримизни ҳар жиҳатдан тартибга келтириш, унинг ҳар жиҳатдан намуна бўлишига эришиш учун ҳали кўп иш қилиниши керак. Бу, айниқса, шаҳарда истиқомат қилаётган фуқароларимизга боғлиқ. Чунончи, озодаликни ҳар бир хонадоннинг ўзидан, ҳар бир уй, кўча ва хиёбондан бошлаш лозим бўлади. Афсуски, киши дилини ранжитадиган ҳолатлар — ифлос жойлар, ахлат уюмлари, одамлар лоқайдлиги, бефарқлиги туфайли пала-партишлик, синиб ётган телефон будкалари-ю бетартиб катта-кичик савдо, маиший хизмат ва бошқа турли иншоотлар тез-тез учраб туради. Шаҳардаги кўплаб анҳорлар, ариқ-зовурларни тозалашда ҳали ҳам сусткашликлар, ўзибўларчилик барҳам топгани йўқ. Бундай камчиликлар рўйхатини анча давом эттириш мумкин.

Муҳими — вақт бор, вақт — ғанимат. Келаётган Наврўзи оламни ҳар жиҳатдан — ҳам маънавий, ҳам руҳий, ҳам жисмоний покланиш билан, шаҳримиз чиройини ҳар қачонгидан кўркам қилиш билан кутиб олсак — ўзимизга муносиб иш қилган бўламиз. Зеро, хас тушса ялагудек озодалик, поклик, юксак маданият халқимизнинг қадимий анъаналари бўлиб, суяк-суягимизга сингиб кетган. Фақат уларни яхшилаб эслашимиз, эслай олмаганларга эслатиб қўювчилар бўлиши, пойтахтда яшашдан алоҳида фахр, ғурур ҳиссининг шаклланиши керак, холос.

Пойтахтни гўзал, озода ва файзли шаҳарга айлантириш йўлида шаҳримиз аҳли, бутун жамоатчиликнинг фидокорлиги, жонкуярлиги бунга ишончли кафолат бўла олади. Бу борада Акмал Икромов, Шайхонтоҳур ва бошқа туманлардаги эски маҳаллалар аҳли намунаси ўрнак бўларли. Баъзи кўчаларга кирар эканмиз, гоҳ токзорларга, гоҳ олмазору гилос ва олчазорларга кириб қолгандай ҳис этамиз ўзимизни. Улар шундай тартибли, парваришга бойки, ҳавасдан ёқа ушлайсиз. Баъзи кўп қаватли уйлар, ҳовлилари ҳам шундай соя-салқин, тароватли. Хуллас, одамнинг кўли гул деб бежиз айтишмаган.

Сиз, азиз ҳамшаҳарларимизга мурожаат қилар эканмиз, улуғ айём—Наврўзи олам муносабати билан атрофингизга яна бир бор назар ташлашингизни, кўнгилни хира қилувчи ҳар қандай ҳолатларни бартараф топтириш, озодалик, саранжом-саришталик, юксак маданиятлиликни ҳаёт тарзига айлантириш учун курашга ҳисса қўшишга чорлаймиз. Бинобарин, мамлакатимиз бош шаҳрида яшашга муносиб бўлиш — ҳар биримиз учун фахрлидир.

**Саид ВАЛИЙ.**

*Назм*

### ЎЗБЕГИМ

*Элим, ифтихорим, масрур ўзбегим,*
*Сахий қалб, иймонли, орли ўзбегим...*
*Меҳмонни отадек улуғ деб билган,*
*Бағри кенг ҳимматли, ёрли ўзбегим.*

*Аждодларинг номи етти иқлимда,*
*Фахр билан тилга олинган ҳар дам.*
*Сен буюк, сен суюк юрт фарзандисан.*
*Улуғ боболарнинг руҳи мужассам.*

*Темур Кўрагоннинг асраган эли,*
*Шоҳ Бобур куйлаган, мадҳ этган Ватан,*
*Сенинг Заминингдир, сен унинг ўғли,*
*Доим ардоқлагин, жой бер қалбингдан.*

*Оллоҳ қувватлагай, мағрур ўзбегим.*
*Ўзлигини топган масрур ўзбегим!*

### ТАШНАЛИК

*Онажон, ҳаётдан мамнунман, шодман*
*Сизнинг меҳрингиз-ла бахти зиёдман.*
*Ғаму андуҳларга доимо ётман.*
*Сабаби бор эрур сиздек қуёшим!*
*Дуогўй, зўр қоя, сокин сирдошим.*

### КЕЛ ЁНИМА

*Дилафгор ўлдим кўйингда, эй санам, кел ёнима,*
*Соғинчдан зор хаота кўнгил дам-бадам кел ёнима.*
*Кел суюклим, пайсон каби, қаршима чирой ила.*
*Зеболигингга жон нисор айларам кел ёнима.*
*Келмасанг оху ноламдан кўз ёшим дарё бўлур.*
*Бу фиғонда қолдирма, айла карам ёнима.*
*Кел гўзал, вафо қилгин ҳижронзада Рўзибойга*
*Ишқ оташида ёнур жону таним кел ёнима.*

**Рўзибой АЗИМ.**

## ЖАВОҲИРЛАР САНДИҒИ

*Донишмандлар хазинасидан*

# МУНАВВАРЧЕҲРА ВА САРСАБИЛ ҚИССАСИ

***Муштарийлардан келаётган кўплаб мактубларда улар «Оқшом» саҳифасида босилган «Искандарнома» тўпламидаги «Сайид ўтинчи саргузашти» ва «Афлотун ва Арасту» ҳикояларини катта қизиқиш билан ўқиганларини айтишиб, ана шундай ҳикояларни газетада мунтазам бериб борилишини илтимос қилганлар. Биз оқшомхонларнинг илтимосларини инобатга олиб, бугундан бошлаб «Мунаввархеҳра ва Сарсабил қиссаси» ҳикоясини улар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.***

Келтирибдурларким ўтган замонда бир улуғ шаҳаншоҳ бор эрди. У зиёда одил, фозил, оқил ва шоҳлик илмида комил эрди. Мунча фазилатларга муносиб давлати бепоён, хазинаси бешумор, маъракаи майдон аскарлари ҳадсиз эрди. Ҳеч бобда ва ҳеч фунунда камлиги йўқ эрди. Ул олийжоҳ шоҳга ҳазрат офаридакор бир нуридийда қиз берган эрди. Ҳусну жамолда Зуфунун, ақл-фаросатда ва латофатда ягонаи даврон, жаъми ишқ аҳли анга овезон (осилган) эрдилар. Ула маликани ҳар ким бир кўрса волаи шайдоси бўлур эрди. Ул маликанинг исми Зебочеҳра эрди. Ушбу ҳусну жамол шуҳрат топиб, ҳар тарафдин шоҳлар ва шаҳзодалар совчилар юборур эрдилар. Ул шоҳ эса қизига бўлган муҳаббати туфайли, эрга тегиш ҳуқуқини қизнинг ихтиёрига топширган. Бинобарин, келган совчиларга маликанинг дояси жавоб-муомала қилур эрди. Малика айтур эрдиким, шоҳу гадо бирлан ишим йўқ, хоҳ фуқаро, хоҳ хожа бўлсин қобил, бечорапарвар ва худодан қўрқувчи киши бўлса деб, ният қилур эрди.

Кунлардан бир кун отасидан рухсат сўраб олиб боғ сайриға равона бўлди. Маофаи заррин нигорга ўлтириб борур эрди. Иттифоқо ўзга бир вилоятдан Хожа Вафо исмли бир савдогар киши бу ерга тижорат учун келган эрди, ўзи улуғ нажоддин эрди. Хожа Вафо қазойи илоҳий ва тақдири раббоний билан саройдан чиқиб бозор томон борур эрди. Тасодиф юз бериб маликанинг маофаси қаршисидин чиқиб қолди, шу аснода мурод насими малика маофасининг пардасини кўтарди. Хожа Вафонинг кўзи маликага, малика назари йигитга тушди. Хожа Вафо саройга келиб йиқилди, малика эса боғ қасрига етиб бетоб бўлди. Малика бу асрордин дояни огоҳ айлаб, эй меҳрибон она, йўлда кўринган йигитни билмасманким, нечук соҳир (жодугар) кишидур, бир кўрмаклиғ бирлан аҳволим ўзгача бўлди деб, оҳ урарди. Доя дедиким, хабарим бордур, хафа бўлмағил, мен бориб ул йигитни сўроғлаб топиб, асли наслини ва қаерлик эканини билиб келурман, деб, йўлға равона бўлди. Доя Чорсуга келиб, ўз-ўзига дедиким ул киши савдогар либосида эрди, магар карвон саройдин топсам керак деб, саройларни бирма бир текшириб, ҳар бир савдогардан қимматбаҳо молларни сўрарди. Улар қимматбаҳо моллар соҳиби Хожа Вафо эканини айтур эрдилар. Доя Хожа Вафо ҳужрасини топиб, кўрдиким Чорсуда кўринган йигитдур. Хўб зеҳн солиб, боқиб кўнгли қарор топди ва савдогарга қараб, мен шоҳимизнинг нуридийдаси малика Зебочеҳранинг доясидурмен деди. Бир неча қимматбаҳо молларни ажратиб, баҳосини дафтарга ёзгач, эй ўғлим, исмингиз, отангизнинг исми шарифлари, қайси вилоятдинсиз ва насл-насабингиз кимга бориб туташадур? — деб сўради. Хожа Вафо ҳаммасини баён айлади. Доя ёзиб олди, Хожа Вафо молларни саройбонга кўтартириб доя ортидан жўнатди. Хожа Вафо бул кечани оҳу фироқ бирлан ўтказиб, дояга мунтазир эрди. Доя боғнинг дарвозасига бориб, саройбонга жавоб бераркан, эрта бирлан келғил, яна бирга борурмиз деди. Саройбон саройга келиб, эрта туриб яна боққа борди. Доя малика ҳузурига кириб кўрган ва эшитганини зуҳурга келтириб, Хожа Вафонинг насабномасини кўрсатиб дедиким, ул Хожанинг наслу насаби улуғ хонадондин эркан деб, маликага тасалли берди. Бул кеча ўтди, эрта бирлан малика икки дона марварид бирлан олмос узук берди. Бир ҳамён нақдина бирлан бир хат ёзиб, Хожага беринг деди. Доя саройбон бирлан келиб Хожа Вафога вафодорлиқ муждасини еткурди. Хожа ул хат мазмунидин огоҳ бўлди. Хатда қуйидагилар ёзилган эрди: белингизни маҳкам боғланг, отамга киши юборинг, доядан кўпгина нақдина юборурман, нома тамом вассалом! Хожа Вафо бағоят шод бўлиб, дуолар айтиб дояни йўлга солди. Доя бориб маликага пайғомлар еткурди. Хожа Вафо ўз таниш савдогарларини йиғиб зиёфат бериб, уларни подшоҳ ҳузурига совчи қилиб жўнатди. Малика дояни шоҳга юборди, доя маликанинг розилигини шоҳга маълум қилди. Бул тарафдин бир неча кишилар бордилар. Шоҳ уларга боқиб эй яхшилар, сизлар қадам еткурибсизлар, мен қабул айладим деб, совчиларни зиёфат қилиб, ҳар бирига саруполар бериб, Хожа Вафога ҳам инъомлар юборди.

Алқисса, катта тўй ва томошолар бирлан саъид соатда маликаи Зебочеҳрани Хожа Вафога аҳд айладилар. Маликанинг боғини Хожа Вафога хос қилиб бердилар. Ҳар икки ташна висоллар бирбирларидин баҳравар бўлиб, комёб бўлдилар. Неча вақт ўтди, малика Хожа Вафо бирлан бирга бўлиб ҳомиладор бўлди. Вақти соати етиб бир қиз туғилди, кўрдиларким онасидан икки ҳисса зиёда ҳусну латофатга эга эрди. Малика Зебочеҳранинг юзида мавжуд бўлган холлар, бунинг ҳам юзида бор эрди. Донолар бу қизнинг отини Мунавварчеҳра қўйдилар.

Малика Мунавварчеҳра беш-олти ёшга етганда малика Зебочеҳра бу оламни ўзига лойиқ кўрмай, ажал шарбатини нўш айлаб, бу фоний жаҳондин сарой боқиға рихлат қилди. Мунавварчеҳрани Хожа Вафога ёдгорлик учун қолдирди. Уларга дунё қоронғу бўлди, шоҳ ҳам мотамсаро эди.

Алқисса Мунавварчеҳра кундан-кун улғайиб, жамоли камоли янада зебороқ бўлур эрди. Хожа Вафо бу нуридийдаси бирлан овунар эрди. Мунавварчеҳра ўн икки ёшга етди. Хожа Вафонинг эсига ота-онаси, хеш-у ақраболари тушиб, сафар асбобини тайёрлаб, гумашталар бирлан йўлга солиб, ўзи азбаройи фотиҳа олмоқ ҳамда жигаргўшаси Мунавварчеҳрани подшоҳ ҳимоясига топширмоқ учун қайин отаси подшоҳ ҳузурига бориб, воқеани баён қилди. Шоҳ кўп ўйлаб кўриб дедиким, мен подшолик ишлари тараддуди билан бўлиб, Мунавварчеҳранинг ҳолидан хабар олмай қолсам керак деб гумон қилурман. Маслаҳат улдирким, Мунавварчеҳрани менинг пиримға топширинг, ул киши авлиё одамдир. Хиёнат содир бўлмаса керак, мендан дуо айтинг деб, фотиҳа берди. Хожа Вафо икки юз ашрафий олиб, ул шайхнинг хонақосига бориб, шайхни зиёрат айлаб, икки юз ашрафийни ҳадя деб, шайхнинг олдиға қўйди. Мунавварчеҳра воқеасини арз айлади. Шайх аввал қабул этмади. Шоҳ рўйхотири учун ноилож хос ҳарамларидин бири муқаррар айлади. Хожа Вафо икки йиллик харажатни ул ҳужрага муҳайё айлаб, малика Мунавварчеҳрани ул жойига олиб бориб қўйди. Яна шайхни кўриб, хўб таъкидлаб, сафардин қайтгач яна беш юз ашрафий назрона берурга ваъда айлаб, шайхдин ҳам фотиҳа олиб йўлга тушди.

Алқисса, орадан қарийб бир йил ўтди. Қазоро, бир куни шайх ичкаридин чиқар маҳалда малика Мунавварчеҳрага кўзи тушиб қолди. Маликанинг камондек қошлари ўртасидан бир ўқ пайкон чиқиб шайхнинг жигаридин ўтиб, жонини орасига бориб меҳмон бўлди. Шайх надимлардин сўрадиким бу кимдур? Улар Хожа Вафонинг қизи малика Мунавварчеҳрадур деб, жавоб бердилар. Шайхнинг ҳаловати бузилди, кеча-кундуз муҳаббат ўтида куймакдин ўзга иши қолмади. Охири хаёли ботилга бориб, уйидаги ҳамма муридларини уйларига жўнатди. Малика Мунавварчеҳрадин ўзга киши қолмади. Бир лаганда яхши таом тайёрлатиб, кўтариб уйга кириб, айвонга ўлтирди ва Мунавварчеҳрани чақирди. Мунавварчеҳра бошига чодрасини ёпиниб, юзини беркитиб айвонга келди. Шайх сув бўлса қўлимни ювсам деди. Мунавварчеҳранинг қумушдин ясалган махсус обдастаси бор эрди, олиб келиб шайхнинг қўлига сув қуйди. Шайх кўрдики, қизнинг ҳусну жамоли ойдек тобондур, билаклари марваридга ўхшар, зулфларининг ҳиди мушк тобдек жонпарвардур. Кўнглининг ўтиға тоб келтира олмай маликанинг қўлидин тутди, яна бир қўли билан юзига тортган пардага (чашмбанд) қўл солди. Хоҳладики шул ернинг ўзида маликадин коми дил ҳосил қилғай. Малика кўрдики шайхнинг аҳволи бўлакчадур. Малика бир зарб билан қўлини шайх қўлидин чиқариб олди. Шайх ўрнидин туриб, яна осилди. Малика ул кумуш обдаста бирлан шайхнинг пешонасига зарб бирлан андоқ урдики, обдастанинг ғилдираги шайхнинг пешонасига икки энлик ботди. Шайх оҳ деб, беҳуш бўлиб йиқилди. Малика вақтини ғанимат билиб, чодрасини ёпиниб отасининг уйига келди.

Шайх ҳушига келиб кўрдиким, малика ғойиб бўлибдур. Пешонасини ювиб, бойлаб ўзига дедики, бу иш маълум ва шоён бўлмасдин илгарироқ тадоригимни қилмасам бўлмас.

**Турғун ФАЙЗИЕВ**
**тайёрлади.**

**(Давоми бор).**

*Ҳикматлар*

# БУ ТЎРТ НАРСА...

## ЗОЕ КЕТАДИ

- Қадр-қимматни билмаган одамга хизмат қилмоқ — шўр ерга уруғ сочмоқ.
- Ўлик билан кенгашмоқ.
- Кар қулоғига ҳикмат дарси ўқимоқ.
- Оқар сув юзига ғазал ёзишга уринмоқ.

## ШУҲРАТ КЕЛТИРАДИ

- Хотиннинг яхши бўлиши — эрига.
- Ўғилнинг итоаткорлиги — отасига.
- Шогирднинг билимлиги — муаллимига.
- Лашкарнинг жангга лаёқати — саркардасига.

## АЖРАТА ОЛМАЙДИ

- Оғир, давосиз дардга мубтало бўлиб, ўз ширин жонини қадрламаган ва бошқалар ҳам шундай деб ўйлаган бемор.
- Шавкатли ва кучли хўжасига дуч келганда ўзини йўқотиб қўйган гуноҳкор қул.
- Жанг майдонида душманга юзма-юз келганда ҳар нарсани унутиб қўйган аскар.
- Ўзидан ҳам шафқатсиз жаллод қўлига тушиб ўлимини кутган золим.

## НАРСАГА ИШОНМАЙДИ

- Қуйруғи босилган илонга.
- Оч қолган йиртқич ҳайвонга.
- Раҳмсиз шоҳга.
- Инсофсиз ҳукмдорга.

## ТЎҒРИ КЕЛМАЙДИ

- Гўзаллик билан хунуклик.
- Яхшилик билан ёмонлик.
- Ёруғлик билан қоронғулик.
- Кундуз билан кеча.

**Ҳилолиддин ШАҲОБИДДИНОВ,**
**кекса ўқитувчи.**



*Авлодлар давомийлиги.*
*Рустам Шарипов олган сурат-лавҳа.*

# ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

*Шарқ дурдоналари*

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Луқмони ҳаким ўз ўғлига насиҳат қилиб деди:

— Бу насиҳатларимни ёд олиб, унга амал қилсанг, ақлли ва улуғ киши бўласан. Агар бирор киши билан суҳбатлашадиган бўлсанг, аввало панду насиҳатдан гаплаш.

● Сен ота-онанг тириклигида қандай муносабатга эга бўлган бўлсанг сен ҳам фарзандларингдан худди шундай муносабатни кут.

● Яхшилар суҳбатини излаб, фиску фужур аҳлидан қоч, сабр қил, шошқалоқликни одат қилма, сирингни ҳар кимга айтма, молингни чегараси билан ҳарж қил.

**«Махзан ал-улум»дан.**

● Болалар! Сиз ҳаётда кўриб турганингиздек, илмли ва маърифатли кишилар ҳамиша иззат ва икромда, пули кўп, манман деган бадавлат кишилар эса обрў жиҳатидан уларнинг олдида пастдир. Бундан кўриниб турибдики, илм кишини эл олдида азизу мукаррам қилар экан.

**Мустафо ҲОМИЙПОШШО.**

● Одоб шундай узукки, агар у ҳар кимсанинг тасарруф бармоғига мувофиқ келса, унинг улуғлик оти ҳамма маъракаларда жавлон қилади.

***Одоб дебочадур инсон учун иззат китобига,***
***Бўлар ҳар'ким одобсиздур нишон тири маломатга.***

● Одоб бир булутки, унинг бир томчи ёмғири яхши кишиларнинг амал экинзорига ёғса умид полизини абадий кўкаламзорга айлантиради. Ва яхши ном ҳосилидан фойдалар хирмонини барпо қилади.

● Агар одам илм ва ҳунар таҳсили билан улуғ кишиларнинг ҳунарини ўрганса вужуд матосининг қадри ҳаёт дўконида аъло даражага етиб, топиш-тутиши ҳам кўпроқ бўлади.

**Бархурдор ибн МАҲМУД.**

● Эй ўғил! Қайси фан бўлмасин то уни мукаммал эгалламагунингча ҳаракатни тўхтатма, бир илм иккинчи илмни эгаллашга ёрдам беради. Бир илмни эгаллашга ақлинг йўл бердими, уни охиригача эгалламай туриб, чала ташлаб кетма!

● Илм эгаллашга шошилиш, ҳар қандай ҳунардан баҳраманд бўлиш қандай яхши!

● Дунёда инсонни азиз ва мукаррам қилувчи, очкўзлик, пасткашлик ва жоҳилликдан қутқарувчи, маърифат нурига ва саодат гулшанига етказувчи бу илм ва одобдир.

**Абдибек ШЕРОЗИЙ.**

● Ибн Аббосдан:

— Сен қандай қилиб шунча илмга эришдинг? — деб сўрадилар.

У шундай жавоб берди:

— Савол берувчи тил, билувчи қалб ва чидамли ўқитувчи билан.

● Айтишларича, Форобий жуда камбағал экан, қоғоз сотиб олишга ҳам баъзан имконияти бўлмас экан. Ўрмонга чиққан кезларида хаёлига келган нарсаларни дарахт япроқларига ёзиб қўяр, қоғоз топганда кўчириб қўяр экан.

● Бир куни Искандардан:

— Сен устозингни отангдан кўра яхшироқ ҳурмат қилар эмишсан, шу ростми? — деб сўрадилар.

— Ҳа, — деб жавоб берди Искандар, — отам мени йўқлик осмонидан олиб тушди, устозим эса ердан кўкка кўтарди!

**«Фавокиҳ ал-жуласо»дан.**

● ***Ўқиб ўрганилган ҳар битта ҳунар,***
***Ҳунармандга бир кун фойда келтирар!***
● ***Ҳунарингдан бир кун етарсан бахтга,***
***Ҳунарсиз ким етар тож ила тахтга?!***
● ***Яхшилик кўзловчи бўйнига зинҳор,***
***Қилич тортма ҳамки бўлса гуноҳкор!***

**Низомий ГАНЖАВИЙ.**

● Азизим, ботир деб шундай кишига айтиладики, у ўз элининг тинчлиги учун ҳар қандай машаққат қадаҳини қўрқмай қабул қилиб, шоду хуррамлик билан нўш этади. Марди майдон деб шундай кишига айтиладики, бундай кишининг ақли бирор ишни қилишга қарор топса жонидан кечиб, ҳаётидан қўл ювиб мақсад майдонига қадам қўяди.

Байт:

***Жондан кечиб майдон сари сурган от,***
***Бахту иқболига бўлар муяссар!***

● Азизим, бургутга шоҳлар қўлидан жой тайин этилганининг боиси шулки, у ўзини бойўғли каби уй ичига олиб ўтирмайди. Бойўғлининг деворлар орасида қолиб кетганининг боиси эса харобалардан умид узиб чиқа олмаслигидир.

Байт:

***Бургут каби жавлон уриб сайр қил,***
***Бойўғлидек токай жойинг вайрона?!***

**Ҳожа Самандар ТЕРМИЗИЙ.**

● Виждонли одамнинг қалби сирлар хазинасидир:

***Эй мажлисда ўтирган киши,***
***Бундаги сўз сенга омонат,***
***Мажлис сирин ифшо айласанг,***
***Омонатга бўлур хиёнат!***

**«Аталар сўзлари»дан.**



*Беғубор онлар.*

*Равиль Альбеков олган сурат-лавҳа.*

*Ниҳол*

## БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН

### ТЕЛЕФОН БОРМИ?

*Отанинг ишхонасидаги телефон жиринглади:*

*— Алё, эшитаман!*

*— Вой, сизмисиз, дада?*

*— Ҳа, мен, асал набирамиз келибдилар-ку, нима дейсиз, тойчоқ?*

*— Дада, сиз билан гаплашмоқчи эдим, ишхонангизда телефон борми?*

### ЧИҚМАС ЭКАН

*Чўпонлик қилувчи ота буюрилган ишни уддалай олмаган ўғлини койиди:*

*— Аҳмоқ, бефаросат, шу ишни ҳам бажара олмасанг, молнинг кетида ўсганмисан.*

*— Дада, молнинг кетида ўсганлар аҳмоқ, бефаросат бўлса, чўпонлардан ҳеч ақлли одам чиқмас экан-да!*

### КЎТАРИШИБ КЕТАМАН

*Шаррос ёмғир ёғаётган вақтда кийимлари шалаббо бўлиб кетган бошланғич синф ўқувчиси ўз ўқитувчисига етиб олиб деди:*

*— Ассалому алайкум, опажон.*

*— Ваалайкум ассалом.*

*— Қўлингизда ҳам сумка, ҳам тўрва, жуда қийналиб кетибсиз, ёмғир пўшингизни берсангиз, мен кўтаришиб кетаман.*

### КАВУШИНИ ТЎҒРИЛАШ

*— Ойи, дадамнинг ишхонадаги бошлиқлари дадамларга жуда меҳрибонми?*

*— Буни қаердан билдинг?*

*— Бошлиқлари, ишни шундай давом эттирсанг, кавушингни тўғрилаб қўяман, дебди-ку.*

### ОЁҚҚА ТУРҒИЗИШ

*Наргиза онасидан сўради:*

*— Ойи, шифокор Шавкат тоғам жуда жаҳлдормилар?*

*— Йўқ қизалоғим, тоғанг жуда меҳрибон ва мулойим шифокор. Сен нега ундай деяпсан?*

*— Оғир касал бўлиб ётган, ўрнидан тура олмайдиган беморларни ҳам «оёққа турғизиб» қўяр эканлар.*

### ҒИЖИМ РЎМОЛ

*Она қизига деди:*

*— Қизалоғим, нариги уйдаги стул суянчиғига ташлаб қўйилган ғижим рўмолимни олиб чиқ.*

*Қизалоқ уйга кирганича анча вақтдан кейин сўралган рўмолни кўтариб чиқиб:*

*— Ойижон, ғижим бўлган рўмолингиз йўқ, стул суянчиғида мана бу силлиқ рўмол бор экан, — деди.*

### БИРГА ЭДИ

*Ёзги таътилдан қайтган иккинчи синф ўқувчилари иккинчи сентябрь куни синфга киришлари билан Шаҳноза Сайёрага деди:*

*— Мен сени ёзда икки марта кўрдим.*

*— Мени ёзда кўрган бўлишинг мумкин эмас. Чунки, мен уч ой Фарғонада холамникида дам олдим.*

*— Вой, мен сени тушимда кўрдим.*

*— Алдоқчи.*

*— Нега алдар эканман, ишонмасанг Гулнозадан сўра, мен сени тушимда кўрганимда, у ҳам сен билан бирга эди.*

**Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.**

*Набобот*

## ҚОПҚОНЛИ ҲАШАРОТХЎР

1769 йили Американдан топилган ҳашаротхўр ўсимлик Дионеа муспицула деб аталади. Унинг қаддини тик тутиб турадиган гуллари поясининг учида тўпгул ҳосил қилиб ўсади. Бу қопқонли ҳашаротхўрнинг энг ажойиб, кишини ҳайратга соладиган ва мўъжизали аъзоси баргидир. Поясининг қуйи қисмида жойлашган юпқа барглар ҳар томонга қараб эгилган бўлади. Якка ҳолдаги барг эса барг лаппагига жойлашган иккита палладан иборат. Шу паллалар четида бир-бирининг орасига кириб мустаҳкам ушлайдиган қийшиқ тишлар бор. [illegible] бир палланинг ўрта қисмида учтадан ўткир учли ва мустаҳкам бўртмалар мавжуд, қолган қисмлари эса ўзидан шира ажратувчи безчалар билан қопланган.

Баргга қўнган бирор бир ҳашарот паллалардаги олтита бўртмадан бирортасига тегиб кетса, паллалар бор-йўғи 10—30 сония ичида ёпилади. Шу тариқа, ҳашарот ўсимликнинг тирик тутилган ўлжасига айланади. Паллалар ёпилган заҳоти унинг ичидаги бўртма ҳашаротни бурдалаб ташлайди. Безчалардан ажраладиган суюқлик эса уни ҳазм қилишга киришади. Ўлжани ҳазм қилиш саккиз, ўн тўрт кун давом этади.

## БЎҒУВЧИ ЛИАНА

Лиана жуда «айёр» ўсимлик. У дастлаб юмшоқ ва ингичка новда шаклида ўз ёнида ўсиб турган катта дарахтга суяниб, аста-секин унга чирмаша бошлайди. Дарахт дастлаб бемалол ўсаверади. Лиана эса тез орада дарахтнинг тепа қисмига кўтарилиб олади. Қачонки танаси қотиб ўзини тутиб олгандан сўнггина исканжасидаги дарахтни бўға бошлайди. Охир-оқибат у дарахт пўстлоғини кесиб ёғоч қисмигача етиб боради. Натижада танасида юриб турган шира ҳаракати тўхтаб қолган дарахт қурийди ва синиб тушади. Лиана эса ён атрофидаги бошқа дарахтларга чирмашиб шу тарзда ҳаёт кечираверади.

Табиатда доимо кимдир кимнингдир устидан ҳукмдорлик қилиб, ожизлар кучлиларга ем бўлиб келган. Начора, нима ҳам дердик, ахир бу табиат қонуни.

**Нигора БОЗОРОВА тайёрлади.**

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-094.
Босмага топшириш вақти 11.30
1 2 3 4 5 6